

Фикҳ дарслари (215-дарс) Аллоҳ тоқдир, тоқни яхши кўради (биринчи мақола)



19:00 / 26.01.2023 2424

مُتَّعِي دِيْ اَعْفَارٍ رَّبِّكَ يَدَّ ثَلَاثًا لِّلْاِعْوَادِ لِقَوْلِ مَالِ سَبَبِ جَوَّاتِ اَعْكَارٍ ثَلَاثًا رُّتُوْلًا
عُبَّتِي وَرُوْسًا وَحَتَّافِلًا هَمَّ عَكَرٌ لِّكَ يَفْ اَرْقِي وَهَرِي غَنُوْدًا اَدَبًا هِي فُتْنُ قِي
تُكْسِي لَبَّ رَجْفًا لِي فَيَنْ اَقْلًا اَلرُّتُوْلًا اِعْوَادِ رَدَّ عَبَّ تَنْ اَقْلًا

Витр бир салом билан вожиб бўлган уч ракъатдир. Учинчи рукуъдан олдин икки қўлини кўтариб, такбир айтади, сўнг доимо шу ўриндагина «Қунут» дуосини ўқийди, бошқасида эмас. Унинг ҳар бир ракъатида Фотиҳани ва бирор сурани қироат қилади. Ва (иқтидо қилувчи) витрнинг рукуъсидан кейин «Қунут» ўқувчи(имом)га эргашади, бомдодда «Қунут» ўқувчига эргашмайди, балки сукут сақлайди.

Ушбу қисқа ибораларда жуда ҳам кўп ҳукмлар жамлангандир. Фикҳ уламоларининг, жумладан, «Мухтасари Виқоя» соҳибининг маҳорати батафсил гапирилса, кўпгина саҳифаларга жой бўладиган маълумотларнинг оддий киши учун осонгина тушуниладиган тарзда бир неча сатрдан иборат бўлиб қолишига сабаб бўлган.

Бу фикримиз мазкур қисқа матнни шарҳ қилганимизда яна ҳам яққолроқ намоён бўлса, ажаб эмас.

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ деган.

رَخَّ آؤُلْعَجَا: لَأَق مَلَسُو هَلَع هَلَلَا لَصِيْبِي بَلَلَا نَع، أَمْ هُنَّ عُهُلَلَا لِي ضَرَرَمُعْنَبَانَع
هُعَبْرَأَلَاهَاوَر. «أَزْتَو لِي لَلَاب مُكْتَالَص

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тундаги охирги намозингизни витр қилинг», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

نَا: مَلَسُو هَلَع هَلَلَا لَصِيْبِي بَلَلَا لَأَق، أَمْ هُنَّ عُهُلَلَا لِي ضَرَرَسَابَعْنَبَاهَلَلَا دَبَعْنَع
عُؤُلُط لِي لِي أَشْعَلَانِي بَامِ أَوْلَصَف، رُتْوَلَا يَهْوَالَا، هَالَصُ مُكَدَا لِي لِي لَعَات هَلَلَا
يِنَارَبَطَلَاوِي نَطُقْرَأَدَلَاهَاوَر. «رَجْفَلَا

Абдуллоҳ Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Албатта, Аллоҳ таоло сизларга бир намозни зиёда қилди. У
витр дир. Бас, уни хуфтондан то тонг отгунча ўқийверинглар»,
дедилар».**

Дора Қутний ва Табароний ривоят қилишган.

Ушбу ривоят яна бошқа еттита саҳобийдан ҳам келтирилган.

هَلَع هَلَلَا لِي لَصِيْبِي هَلَلَا لُؤَسْرَلَأَق: لَأَق هُنَّ عُهُلَلَا لِي ضَرَرِي رَأَصْنَبَانَبُوِي أَيَبَانَع
دُوَادُوبَاهَاوَر. «مَلَسُمَلُّك لِي لَع بَجَاوُوقُح رُتْوَلَا»: مَلَسُو

Абу Айюб Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Витр ҳар бир мусулмонга ҳаққу-вожиб дир», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Кўриниб турибдики, витр намозининг савияси суннат намози савиясидан юқоридир. Агар шундай бўлмаса, ушбу ҳадислар айтилмас эди. Шу билан

бирга, бу ҳадисларнинг далиллик кучи фарз намозларига далил бўлган оят ва ҳадисларнинг далиллик кучи даражасида эмас. Шунинг учун ҳанафий уламолар витр намозини вожиб деб, фарз намозидан кейинги, суннат намозидан олдинги ўринга қўйганлар.

Энг кучли далиллардан бири – бу намозни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон тарк қилмаганларидир. Бу эса витр намози оддий суннат намози эмаслигини яққол кўрсатади.

Учинчи рукуъдан олдин икки қўлни кўтариб, такбир айтади, сўнг доимо шу ўриндагина «Қунут» дуосини ўқийди, бошқасида эмас.

Ҳанафий мазҳаби бўйича, «Қунут» дуоси витр намозида ўқилади. Витр намозининг учинчи ракъатида қироатни тамом қилганидан сўнг намозни бошлашдагига ўхшатиб такбир айтиб, икки қўлни қулоқларининг юмшоқ жойигача кўтаради. Сўнгра қўлларини киндиги остига қўяди ва «Қунут»ни ўқиб, кейин рукуъга кетади.

(Давоми бор)

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди